

**«O'ZSANOATEKSPORT»
aksiyadorlik jamiyati
ягона акциядорининг
2021 йил «20» сентябрдаги
80/08-қр-сонли Қарори билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»**



«O'ZSANOATEKSPORT» AKSIYADORLIK JAMIYATI

УСТАВИ

(ЯНГИ ТАХРИР)

Тошкент - 2021

МУНДАРИЖА

	Бет
1-БЎЛИМ. ЖАМИЯТНИНГ НОМИ, МАНЗИЛИ, ФАОЛИЯТИНИНГ МУДДАТИ.	3
2-БЎЛИМ. ЮРИДИК МАҚОМИ.	3
3-БЎЛИМ. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.	4
4-БЎЛИМ. ЖАМИЯТ ҲУҚУҚЛАРИ.	5
5-БЎЛИМ. УСТАВ ФОНДИ.	6
6-БЎЛИМ. УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ.	6
7-БЎЛИМ. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРНИНГ ТУРЛАРИ, УЛАРНИНГ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ.	7
8-БЎЛИМ. ДАРОМАДНИ (ФОЙДАНИ), ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ТАРТИБИ.	8
9-БЎЛИМ. ЗАХИРА ФОНДИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ.	9
10-БЎЛИМ. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.	9
11-БЎЛИМ. БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ.	11
12-БЎЛИМ. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ.	11
13-БЎЛИМ. ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.	17
14-БЎЛИМ. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ.	22
15-БЎЛИМ. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ	25
16-БЎЛИМ. ФИЛИАЛЛАР, ВАКОЛАТХОНАЛАР, ШЎЪБА ВА ҚАРАМ ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИ ТУЗИШ ВА ФАОЛИЯТИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ.	26
17-БЎЛИМ. ЖАМИЯТНИНГ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ.	27
18-БЎЛИМ. НИЗОЛАРНИНГ ҲАЛ ЭТИЛИШИ.	27
19-БЎЛИМ. ЖАМИЯТНИНГ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ.	27
20-БЎЛИМ. ЖАМИЯТНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ.	28
21-БЎЛИМ. БОШҚА ҚОИДАЛАР.	29

1-БЎЛИМ

ЖАМИЯТНИНГ НОМИ, МАНЗИЛИ, ФАОЛИЯТИНИНГ МУДДАТИ

1.1. Қуйида «Жамият» деб номланадиган «O‘ZSANOATEKSPORT» Aksiyadorlik jamiyati Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг тузилмасини оптималлаштириш ва фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2015 йил 31 декабрдаги ПҚ-2463-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг 2016 йил 8 январдаги 5-п-сонли буйруғига мувофиқ ташкил этилган.

1.2. Жамият ўз фаолиятида мазкур уставга ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига таянади.

1.3. Мазкур устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (қуйида «Қонун») ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан ишлаб чиқилган.

1.4. Жамиятнинг фирма номи:

1.4.1. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

- Ўзбек тилида: «O‘ZSANOATEKSPORT» Aksiyadorlik jamiyati;
- Рус тилида: Акционерное общество «УЗСАНОАТЭКСПОРТ»;
- Инглиз тилида: Joint-Stock Company «UZSANOATEXPORT».

1.4.2. Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

- Ўзбек тилида: «O‘ZSANOATEKSPORT» АЖ;
- Рус тилида: АО «УЗСАНОАТЭКСПОРТ»;
- Инглиз тилида: JSC “UZSANOATEXPORT”.

1.5. Жамиятнинг почта, жойлашган ва электрон манзили: Ўзбекистон Республикаси, почта индекси 100084, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 107-уй, расмий сайти: www.use.uz.

1.6. Жамиятнинг фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган.

2-БЎЛИМ. ЮРИДИК МАҚОМИ

2.1. Жамият юридик шахс деб ҳисобланади ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва мазкур устав асосида амалга оширади.

2.2. Жамият акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

Жамият ва унинг шўъба ёки тобе хўжалик жамиятлари орасидаги муносабатлар амалдаги қонунчилик ва мазкур устав билан тартибга солинади.

2.3. Жамият ўзининг мустақил балансига, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ва ҳудудидан ташқаридаги банкларда ҳисобварақларига, ўзининг фирма номи давлат тили ёки бошқа тилда тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган манзили кўрсатилган юмалоқ муҳрига эга бўлишга ҳақли.

2.4. Жамият ўз номи ёзилган штампи ва бланкаларига, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

2.5. Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлади.

2.6. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулки билан жавобгар бўлади.

2.7. Жамият Давлат ва унинг органлари мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Давлат ва унинг органлари ҳам Жамиятнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.

3-БЎЛИМ. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Жамият фаолиятининг асосий мақсади даромад олиш ҳисобланади.

3.2. Ўз фаолиятининг мақсадига эришиш учун Жамият куйидагиларни амалга оширади:

- ташқи савдода воситачилик хизматларини кўрсатиш;
- товарлар ва хизматларнинг экспорти ва импортини амалга ошириш ва кўпайтириш, республиканинг экспорт базаси ривожланишига, товарларнинг сифати ва рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашиш, амалга ошириладиган операцияларнинг самарадорлигини ошириш;
 - машинасозлик, фармацевтика, нефт ва газ, металлургия, тўқимачилик, дон маҳсулотлари, кимё ва нефт кимёси саноатлари, қурилиш материаллари саноати ташкилотларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, ҳўл ва қуруқ мева, сабзавот экспорт ва импорт қилувчи ташкилотларга уларнинг маҳсулотларини, экспортолди (импортолди) молиялаштиришни амалга оширган ҳолда экспорт (импорт)га йўналтиришда кўмаклашиш;
 - чуқур маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари маҳсулотларининг жаҳон конъюнктурасидаги мойиллигини ўрганиш, ва шунинг асосида экспорт жўнатмалари географиясини кенгайтириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларини сотиш учун истиқболли ташқи бозорлар топиш;
 - ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектларига улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар учун чет эллардан бўлажак харидорларни излашда кўмаклашиш, ҳамда чет эллик ҳамкорларнинг буюртмаларига асосан экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришлари учун жойлаштириш;
 - миллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларини кенг тақдим ва тарғибот этишни таъминлаш ва уларни сотишни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ўтказиладиган тендер (конкурс) савдоларида, халқаро савдо-саноат кўргазма ва ярмаркаларида ва шу каби хорижий давлатларда ташкил этиладиган бошқа тадбирларда иштирок этиш, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳияти, корхона ва ташкилотларнинг илмий ва ишлаб чиқариш имкониятлари тўғрисидаги маълумотларни махсус интернет нашрларига тарқатиш ва жойлаштириш;
 - чет элда ташкилотлар (савдо уйлари, ваколатхоналар ва корхоналар)ни ташкил этиш ва консигнация шартномалари (контрактлари) ва шартномаларнинг ўзга шакллари асосида товарларни уларнинг манзилларига ортиб жўнатилишини таъминлаш;
 - тармоқ ташкилотларининг бўш турган ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта ишлаш (толлинг) бўйича операцияларни амалга ошириш учун хорижий компанияларни жалб қилиш;
 - вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларга, шунингдек тадбиркорлик субъектларига чет элдан товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилишда кўмаклашиш.
- халқаро битимларнинг лойиҳаларини келишиш, чет эл давлатларининг ташкилотлари ва фирмалари билан ишлаб чиқаришни халқаро ихтисослаштириш масалари бўйича хўжалик шартномаларини тузиш, тасдиқланган номенклатура бўйича тўғридан-тўғри кооперациявий алоқаларни ҳамда ишлаб чиқариш ва илмий-техник ҳамкорликнинг бошқа шакллари ривожлантириш;
- чет эл давлатларига, ташкилотларга техник ва иқтисодий кўмаклашиш, тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида чет эл ташкилотлари ва фирмалари иштирокида объектларни қуриш;
- ташқи иқтисодий алоқалар ва чет эл давлатлари билан ҳамкорликнинг янги шакллари ривожлантириш ва жорий этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- экспорт ва импорт тузилмасини такомиллаштириш юзасидан тақлифларни ишлаб чиқиш, экспорт ва импорт қилинадиган товарларнинг сифати ва техник даражасига талабларни ошириш;

➤ тегишли товар бозорларининг конъюнктураси ва нархларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш, экспорт базасини яратиш ва ривожлантиришда, экспорт маҳсулотларининг техник даражасини ва рақобатбардошлигини таҳлил қилиш ишини ташкил қилишда, экспорт учун янги товарларни аниқлашда ёрдам кўрсатиш;

➤ реклама чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш, халқаро ярмаркалар ва кўргазмаларни ташкил қилиш ва уларда иштирок этиш, манфаатдор корхоналар ва ташкилотларнинг ахборот ва маслаҳат таъминоти;

➤ факторинг, холдинг ва инвестицион операцияларни ўтказиш;

➤ Махалий ва хориждаги юридик ва жисмоний шахсларга воситачилик, транспорт, суғурта, консалтинг, лизинг, маркетинг, молиялаштириш, дистрибьютерлик, агентлик ва дилерлик хизматларини кўрсатиш;

➤ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида биржа фаолиятини амалга ошириш, ўрнатилган тартибда хорижий валютани сотиб олиш амалдаги қонунчиликка биноан ўз номидан ва учинчи шахслар номидан жамғарма биржаларида ва биржадан ташқарида қимматли қоғозлар билан муомала юритиш;

➤ халқаро кўргазмаларда, симпозиумларда, конференцияларда, семинарларда иштирок этиш;

➤ мижознинг хом ашёси билан операцияларни амалга ошириш;

➤ улгуржи савдо;

➤ чакана савдо;

➤ ташқи иқтисодий фаолият;

3.3. Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тақиқланмаган бошқа фаолият турларини амалга оширишга ҳақлидир.

3.4. Амалга оширилиши учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб этиладиган фаолият турлари қонунчилик билан белгиланган тартибда тегишли лицензия олинганидан сўнг амалга оширилади.

4-БЎЛИМ. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

4.1. Жамият қуйидаги ҳуқуқларга эга:

➤ минтақаларо ҳамкорликни ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

➤ чет элдаги корхоналар ва ташкилотлар билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш;

➤ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, ундан ташқарида филиаллар, ваколатхоналар, қўшма корхоналар ва бошқа янги корхоналарни тузиш ва таъсис этиш;

➤ ўқув юртлари билан биргаликда шартномавий асосда малакали мутахассисларни тайёрлашни амалга ошириш;

➤ биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномалар асосида Жамият ва унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларининг ишига бошқа шахслар инвестицияларини жалб қилиш (бундай ҳолатда фойдани тақсимлаш алоҳида шартномада белгиланади);

➤ Ўзбекистон Республикасида, ҳамда ундан ташқарида юридик ва жисмоний шахслар билан турли хил битимларни тузиш ва уларни амалга ошириш;

➤ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўчар ва кўчмас мулкларни, мулкый ҳуқуқларни, интеллектуал мулкни сотиб олиш, ижарага бериш ва олиш;

➤ уюшмалар, консорциумлар, акциядорлик жамиятлари ва бирлашмаларга аъзо бўлиб кириш;

➤ белгиланган тартибда банкларда ҳар қандай, шу жумладан валюта ҳисоб варақаларини очиш, ссуда ва банк кредитларини олиш, қонунчиликка мувофиқ тўловларнинг ҳар қандай шакллари билан амалга ошириш ва акцептлаш, ўз маблағларини ваколатли банклар орқали амалдаги конвертация тартибига мувофиқ конвертация қилиш;

➤ ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини, ижтимоий ривожланиш фондларини мустақил режалаштириш;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ўз балансидан мулк, қарз, камомад ва бошқа йўқотишларни ҳисобдан чиқариш;
- жамиятнинг устав вазифаларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш-техник буюмларни, хом ашё, материаллар, транспортни сотиб олиш;
- танловларда (тендер савдоларида, аукционларда, савдоларда) иштирок этиш;
- ҳомийлик ва хайрия фаолиятини амалга ошириш;
- қонунчиликка мувофиқ ўз ходимлари учун қўшимча таътиллари, қисқартирилган иш куни, иш жадвали ва бошқа ижтимоий имтиёзларни белгилаш.
- қонунчилик ва Жамиятнинг Устави, ички ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиш.

5-БЎЛИМ. УСТАВ ФОНДИ

5.1. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар сотиб олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Жамият чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим.

5.2. Жамиятнинг устав капитали Жамият мол-мулкининг унинг кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди ва ҳар бирининг номинал қиймати 1 (бир) сўм бўлган 43 824 360 668,0 (қирқ уч миллиард саккиз юз йигирма тўрт миллион уч юз олтмиш минг олти юз олтмиш саккиз) дон оддий (одатдаги) эгаси ёзилган акцияларга бўлинган 43 824 360 668,0 (қирқ уч миллиард саккиз юз йигирма тўрт миллион уч юз олтмиш минг олти юз олтмиш саккиз) сўмни ташкил этади.

5.3. Жамият бошланғич устав фондиди шакллантиришнинг энг кўп давомийлиги Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги лозим.

5.4. Битта тўланган оддий (одатдаги) эгасининг номи ёзилган акция Акциядорларнинг умумий йиғилишида бир овоз ҳуқуқини беради.

5.5. Акциялар ҳақини тўлаш пул маблағлари ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда баҳоланадиган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар) билан амалга оширилиши мумкин.

5.6. Жамиятнинг қўшимча акцияларига ҳақ тўлаш шакли уларни чиқариш тўғрисидаги қарор билан белгиланади.

5.7. Жамиятнинг мулки Жамиятнинг акцияларини жойлаштиришдан олинган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулк, қимматли қоғозлар, олинган даромадлар, шунингдек Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан тақиқланмаган сотиб олинган бошқа мол-мулқидан ташкил топади.

5.8. Жамият 71 680 171 916,0 (етмиш бир миллиард олти юз саксон миллион бир юз етмиш бир минг тўққиз юз ўн олти) сўм миқдорида 71 680 171 916,0 (етмиш бир миллиард олти юз саксон миллион бир юз етмиш бир минг тўққиз юз ўн олти) дон номинал қиймати 1 (бир) сўм бўлган қўшимча эълон қилинган эгасининг номи ёзилган оддий акция чиқаришга ҳақли.

6-БЎЛИМ.

УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

а) Устав фондиди кўпайтириш

6.1. Жамиятнинг устав фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин. Жамиятнинг устав фондиди кўпайтириш ҳамда Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги Қарор жамият кузатув кенгаши томонидан қабул қилиниши мумкин.

6.2. Қўшимча акциялар эълон қилинган Жамият уставда белгиланган акцияларнинг сони доирасидагина Жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин. Қўшимча акциялар чиқарилган ҳолатда акциядорлар устав капиталидаги улушига пропорционал равишда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

6.3. Жамият устав фондиди кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

6.4. Кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Жамият устав фондиди кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий (одатдаги) акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддати ва шартлари белгиланган бўлиши лозим.

6.5. Жамиятнинг устав фондиди қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида қайд этилади. Бунда эълон қилинган муайян тоифа ва турдаги акцияларнинг миқдори жойлаштирилган ана шу тоифа ва турлардаги акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

6.6. Қўшимча акциялар чиқарилган ҳолатда акциядорлар устав капиталидаги улушига пропорционал равишда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

6.7. Устав фондининг кўпайтирилишида акцияларнинг ҳақини тўлаш муддати Жамият қимматли қоғозлари чиқарилишини ваколатланган давлат органида рўйхатдан ўтказиш пайтидан эътиборан бир йилдан ошмаслиги лозим. Жамиятнинг қўшимча чиқариладиган қоғозларини жойлаштиришнинг муайян муддати уларни жойлаштириш тўғрисидаги қарор билан белгиланади.

б) Жамиятнинг Устав фондиди камайтириш

6.8. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

6.9. Жамиятнинг устав фондиди акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.

6.10. Устав фондиди камайтириш ва Жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинади.

6.11. Устав фондиди камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондиди камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

6.12. Устав фондиди камайтириш вақтида Жамият тугатилганида назарда тутилладиган акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш шартларига риоя этилиши зарур.

6.13. Жамият устав фондиди (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар Жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини) камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди (устав капитали) камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

7-БЎЛИМ

ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ, УЛАРНИНГ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ

7.1. Жамиятнинг қимматли қоғозларини чиқариш, рўхатдан ўтказиш, жойлаштириш ва улар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва мазкур устав билан белгиланади.

7.2. Жамият акциялар, облигациялар ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тақиқланмаган бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳақлидир.

7.3. Жамият умумий қиймати 43 824 360 668,0 (қирқ уч миллиард саккиз юз йигирма тўрт миллион уч юз олти миң олти юз олти миң саккиз) сўм, ҳар бирининг номинал қиймати 1 (бир) сўм бўлган 43 824 360 668,0 (қирқ уч миллиард саккиз юз йигирма тўрт миллион уч юз

олтмиш минг олти юз олтмиш саккиз) дона оддий (одатдаги) эгаси ёзилган акцияларни чиқаришни амалга оширади.

7.4. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёки жисмоний шахс акциянинг эгаси - Жамият акциядори деб эътироф этилади.

7.5. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар қонунчилик ва ушбу Уставга мувофиқ Акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, Жамият тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ Жамият мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

7.6. Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий акция Жамиятнинг овоз берувчи акциясидир.

7.7. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар, шунингдек акциядорлар умумий йиғилишида қарши овоз берган ёки иштирок этмаган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлади.

7.8. Жамият, унинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган зарарларни қоплаш учун акцияларни чиқариш ҳуқуқига эга эмас.

7.9. Жамиятнинг акциялари оддий ва имтиёзли бўлиб, ҳужжатеиз шаклда ҳисоби юритилади. Акцияларга эгалик ҳуқуқи депо-ҳисоб варағидан кўчирма билан тасдиқланади.

7.10. Жамият ўзи жойлаштирган қимматли қоғозлар айирбошланиши мумкин бўлган акциялар берадиган ҳуқуқларни чеклаш ҳақида ушбу қимматли қоғозлар эгаларининг розилигисиз қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

8-БЎЛИМ

ДАРОМАДНИ (ФОЙДАНИ), ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ТАРТИБИ

8.1. Жамиятнинг фаолияти натижасида олинадиган фойдаси, амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан кейин Жамият эгаллигида қолади ва амалдаги қонунчилик ва мазкур уставга мувофиқ акциялар бўйича дивидендларни тўлаш учун ишлатилиши мумкин.

8.2. Дивиденд Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланиши мумкин.

Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

8.3. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

8.4. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига биноан, кузатув Кенгашининг тавсияси асосида, Жамият ҳар ярим йилда ёки йилига бир марта қонунчиликда кўзда тутилган дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

8.5. Жамият:

устав фондининг (устав капиталининг) ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар:

агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

8.6. Йиллик дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Йиллик дивидендларнинг миқдори жамият кузатув кенгаши тавсия этган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

Йиллик дивидендларни тўлаш санаси шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим.

Оралик дивидендларни тўлаш санаси Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан, Жамият кузатув Кенгашининг тавсияси асосида, қабул қилинган қарор билан белгилаб қўйилади ва шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим.

8.7. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

8.8. Дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда жамиятнинг айби билан тўланмаган (олинмаган) тақдирда тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади. Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича ҳисобланадиган пенялар миқдори тўланмаган (олинмаган) дивидендлар миқдорининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

8.9. Акциядор жамият томонидан ҳисобланган дивидендлар ва пенялар тўланишини суд тартибида талаб қилишга ҳақли. Акциядорнинг талаблари суд томонидан қаноатлантирилганда дивидендлар жамият томонидан тўланмаган тақдирда, жамиятга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўловга қобилиятсизликни бартараф этиш ёки банкрот деб эълон қилиш тартиб-таомили қўлланилади.

9-БЎЛИМ

ЗАҲИРА ФОНДИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ

9.1. Жамиятнинг захира фонди кўрилган зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

9.2. Захира фонди устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда ташкил этилади.

9.3. Жамият ҳар йили Захира фонди мазкур уставнинг 9.2. бандида кўрсатилган миқдорига етгунча Захира фондига соф фойданинг миқдоридан камида 5% миқдорида мажбурий ажратмаларни амалга оширади.

9.4. Агар Захира фонди тўлиқ ёки қисман ишлатилган тақдирда, мажбурий ажратмалар ажратиш қайтадан тикланади.

10-БЎЛИМ

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

10.1. Акциядорлар куйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

- Жамиятнинг акциядорлари реестрига киритилиш;

- ўзи ҳақида депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;
- Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш.
- уставда кўшимча акциялар чиқарилган ҳолатда акциядорлар устав капиталидаги улушига пропорционал равишда имтиёзли сотиб олиш;
- уставда АЖнинг 1 фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгаларига кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш;
- акциядорлар, шу жумладан миноритар акциядорлар овоз бериш жараёнида ҳамкорликдаги манфаатларидан келиб чиқиб акциядорлик битимлари ёки келишувларини тузишлари мумкин.

Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва Жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10.2. Жамиятнинг ҳар бир оддий (одатдаги) акцияси унинг эгаси бўлмиш акциядорга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради.

10.3. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, Жамият тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ Жамият мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

10.4. Акциядорлар қуйидагиларга мажбур:

- мазкур уставда назарда тутилган тартибда, миқдорда ва усулларда акциялар ҳақини тўлаш;
- мазкур устав ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан белгиланган тартибда Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва мазкур уставда кўзда тутилган доирада Жамият бошқаруви органлари қарорларига бўйсунтириш;
- жамиятнинг фаолияти тўғрисида махфий ахборотни ошкор қилмаслик.
- Жамият акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача мазкур жамият акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 50 фоизидан камроғига эгалик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифини ўтгиз кун ичида эълон қилиши ҳамда Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида олинган тақдирда, жамиятнинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиш;

- Миноритар акциядор ҳужжатларни асосиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан Жамият бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслик;

11-БЎЛИМ

БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

11.1 Жамиятнинг бошқарув органи қуйидагилардир:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув Кенгаши;
- Ижроия органи.

12-БЎЛИМ

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ

12.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

12.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

12.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши Жамият уставида белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Одатда, умумий йиғилиш ҳар йили июн ойининг учинчи декадасида ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, Жамиятнинг коллегиял ижроия органи – Бошқарув Раиси ва директорлари, ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Жамиятнинг йиллик ҳисоботини, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш, Бошқарув органи ва Кузатув кенгашининг Жамиятни стратегик ривожлантириш учун амалга оширилаётган чора-тадбирлар бўйича ҳисоботи, Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш ва бошқа масалалар кўриб чиқилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

12.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади. Барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Қонун ва жамиятнинг устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши керак, жамиятнинг имтиёзли акциялари Қонунга мувофиқ овоз бериш ҳуқуқини олиши ҳоллари бундан мустасно. Бунда Қонуннинг акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалари қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли қоидалар бундан мустасно.

12.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига қуйидагилар киради:

➤ Мазкур уставга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

➤ Жамиятни қайта ташкил этиш;

➤ Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатув комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

➤ Жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар кўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

➤ эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

➤ Жамиятнинг устав фондиди камайтириш;

➤ ўз акцияларини сотиб олиш;

➤ Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бизнес-режасини тасдиқлаш, ҳамда Жамият фаолиятининг мақсади ва асосий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, аниқ муддатларни кўрсатган ҳолда Жамиятни ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш;

➤ Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини-Бошқарувни тузиш, Бошқарув Раиси ва директорларни конкурс асосида лавозимига тайинлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, ҳамда кейинчалик тасдиқланиши учун тегишли таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

➤ Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

➤ Кузатув Кенгашининг Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишига доир ҳисоботларини эшитиш;

➤ Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларига, тафтиш комиссияси аъзоларига ва ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

➤ Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини, йиллик ҳисоботларини, бухгалтерия балансларини, фойда ва зарарлари ҳисобварағини тасдиқлаш, унинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;

➤ акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

➤ акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

➤ қонунчиликда ва Жамиятнинг ички ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда битимларни тузиш;

➤ қонунчиликда ва Жамиятнинг ички ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда Жамиятнинг мол-мулк сотиб олиши ва сотиши билан боғлиқ йирик битимларни тузиш;

➤ Жамиятнинг бошқарув органлари фаолиятининг тартибини белгилаб берувчи ҳужжатларни тасдиқлаш;

➤ Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш, шартнома тузиш (бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

➤ Жамиятнинг уставида, ички ҳужжатларида ва амалдаги қонунчиликда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш;

➤ акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

➤ Жамиятнинг кундалик хўжалик фаолиятига кирувчи битимларни белгилаш;

➤ жамиятнинг корпоратив Кодекс тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисидаги қарорини тасдиқлайди;

➤ жамиятнинг “Ички назорат тўғрисида”, “Дивиденд сиёсати тўғрисида” ҳамда “Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомларини тасдиқлайди;

➤ мустақил профессионал ташкилотлар — маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда ҳар йили бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамият ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади ва таҳлил натижаларини муҳокама қилади;

➤ ижроия органининг аффилиланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш масалалари муҳокама қилинади;

➤ кузатув кенгашига ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш ҳуқуқини, қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошқор этган тарзда беради;

➤ акциядорларнинг умумий йиғилишида шахсан иштирок эта олмайдиган акциядорлар учун электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартиби белгиланади (тасдиқланади);

➤ санок комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси) тартиби белгиланади (аниқланади);

➤ жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик кўмитасини таъминлаш харажатларини қоплаш (миноритар акциядорлик кўмитаси тузилган тақдирда) тартиби белгиланади (тасдиқланади);

➤ акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи Жамият бошқаруви ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилишининг давомийлигини белгилайди;

➤ Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган мукофотлар ва (ёки) компенсацияларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

12.6. Қуйидаги:

➤ Мазкур уставга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

➤ Жамиятни қайта ташкил этиш;

➤ Жамиятни тугатиш, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

➤ эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

➤ эълон қилинган акциялар сонини камайтириш;

➤ баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоиздан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш;

➤ Жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

масалалари бўйича қарорлар акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

Солиққа оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Қолган масалалар бўйича қарорлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан, Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчи овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

12.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

12.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича қуйидагилар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади:

жамиятнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар;

Қонунда назарда тутилган ҳолларда жамиятнинг имтиёзли акциялари эгалари бўлган акциядорлар.

12.9. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган ҳолда берилади.

12.10. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин корпоратив ахборот ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

12.11. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- Жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- Жамият акциядорлари реестри шакллантириладиган сана;
- умумий йиғилишнинг кун тартибига киритилган масалалар;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.

12.12. Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамият йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Жамият тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, Жамият кузатув кенгаши, Бошқаруви ва тафтиш комиссиясига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Жамият уставига киритиладиган ўзгаришлар ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси ҳамда Кузатув кенгашининг умумий йиғилиш кун тартибидаги масала бўйича позицияси юзасидан маълумот киради.

12.13. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин узоғи билан 90 кун ичида, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Жамият кузатув кенгаши ва Жамият тафтиш комиссиясига бу органнинг микдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

12.14. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

12.15. Жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш, шу жумладан ўзининг номзодини кўрсатиш тўғрисида таклиф киритилганда номзоднинг исми, башарти номзод Жамият акциядори бўлса, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури, шунингдек номзодни кўрсатган акциядорларнинг исми, уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

12.16. Жамият кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда ушбу 30 кунлик муддат тугаганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш

хақида қарор қабул қилиши шарт. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар Жамиятнинг кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- акциядор (акциядорлар) 12.13 бандида белгиланган муддатга риоя этмаган бўлса;
- акциядор (акциядорлар) 12.13 бандида назарда тутилган миқдордаги Жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;
- 12.14 - 12.15.-бандларида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;
- таклифлар қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлмаса.

12.17. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

12.18. Акциядорлар умумий йиғилишида қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари Акциядорларнинг умумий йиғилишида акциядорлар эътиборига етказилади, ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилишидан кейин овоз бериш яқунлари тўғрисида ҳисоботни эълон қилиш йўли билан акциядорлар эътиборига етказилади.

Агар акциядор узрли сабабларга кўра акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

12.19. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин.

12.20. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

12.21. Жамият тафтиш комиссияси ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

12.22. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабабларин кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

12.23. Жамият кузатув кенгаши Жамият тафтиш комиссиясининг ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

12.24. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиққан тақдирда, бу талабда умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

12.25. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш талабномаси акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

12.26. Жамият тафтиш комиссияси ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичида Жамият

кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

12.27. Жамият тафтиш комиссиясининг ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизга эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

➤ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) қонунчиликда назарда тутилган миқдордаги Жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

➤ кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;

➤ кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала Жамият талабларига мувофиқ бўлмаса.

12.28. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

12.29. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин.

12.30. Жамият кузатув кенгаши Қонунда белгиланган муддат ичида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган бўлса ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган бўлса, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин.

12.31. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

12.32. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

12.33. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

12.34. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

12.35. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш Қонунда назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

12.36. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси 20 кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

12.37. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш "Жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси - битта овоз" принципи бўйича амалга оширилади, Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

12.38. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала

нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;
- Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;
- умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;
- умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

12.39. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

13-БЎЛИМ

ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

13.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, қонунчилик билан акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

13.2. Кузатув Кенгаши Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 1 йил муддатга сайланадиган 5 (беш) нафар аъзодан иборат.

Акциядорлик Жамиятларининг “Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом” талабларига мувофиқ, кузатув кенгаши таркибига биттадан кам бўлмаган (аммо уставда кўзда тутилган кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) мустақил аъзо киритилади.

13.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

13.4. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига қуйидагилар қиради:

➤ Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

➤ Жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

➤ Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

➤ Акциядорларнинг умумий йиғилишининг ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

➤ Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

➤ Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

➤ Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш, мазкур Жамият уставига тегишли ўзгартиришларни киритиш;

➤ эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

➤ Жамиятнинг акциялари эмиссия рисоласини, шунингдек унга киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни матнини тасдиқлаш;

➤ мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

➤ жамиятнинг Бошқарув аъзоларини (раис ва директорлардан ташқари) тайинлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш ва вақтинчалик Бошқарув аъзоси вазифасини бажарувчи шахсларни тайинлаш;

➤ ички аудит хизматининг миқдорий таркибини белгилаш, ички аудиторларни лавозимига тайинлаш ва уларни лавозимидан озод қилиш, ҳар чорак яқунлари бўйича уларнинг ҳисоботларини тинглаш;

➤ ички аудит хизмати томонидан қонунчилик билан белгиланган тартибга мувофиқ текширишларни амалга ошириш йўналишларини белгилаш;

➤ ички аудит хизматининг таъминоти харажатларининг йиллик сметасини тасдиқлаш;

➤ ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;

➤ Жамиятнинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва ижроия органидан кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш;

➤ Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан ҳамда аудиторлик ташкилотининг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилашга доир тавсиялар бериш;

➤ акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

➤ Жамиятнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

➤ Жамиятнинг ваколатхоналарини очиш ҳамда филиалларини ташкил этиш;

➤ Жамиятнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;

➤ Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

➤ Жамият Бошқарув Раисининг йиллик бизнес-режасининг бажарилиши тўғрисида ҳисоботларни ҳар йил чорагида тинглаш;

➤ Жамият номидан Бошқарув Раиси ва Бошқарув аъзоларини ёллаш тўғрисидаги бир йил муддатга меҳнат шартномаларини тузиш ва/ёки ёллаш шартномаларини имзолаш учун ваколатланган шахсни белгилаш;

➤ Жамиятнинг Бошқаруви раиси ва директорлари, жамият бошқарувининг аъзолари, шунингдек ишончли бошқарувчи билан тузилган шартномани, агар улар жамият уставини кўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга;

➤ Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда мол-мулкни олиш ва мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ йирик битимлар тузиш;

➤ Жамиятнинг бошқа хўжалик жамиятларида иштирок этиш билан боғлиқ бўлган битимларни тузиш;

➤ Жамиятнинг бошқарув лавозимларига хорижий менежерлар номзодларининг иштирок этишига имкон яратилган ҳолда ҳар йили танловлар эълон қилиш, танловлар регламентини тасдиқлаш, танловнинг объектив мезонлари ва яқунлари бўйича янгича - фикрловчи, замонавий талабларга жавоб берувчи юқори малакага эга бўлган, шунингдек, хорижий менежерларни танлаб олиш.

➤ умумий миқдори жамият соф активлари қийматининг (қарор қабул қилинган санада) 1 фоизидан ортиқ бўлган миқдорда ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш бўйича тегишли қарор қабул қилиш;

➤ Жамиятда корпоратив бошқарув Кодекси тавсияларининг жорий этилиши юзасидан назорат қилиш;

➤ Жамиятнинг “Ахборот сиёсати тўғрисида” ги Низомини тасдиқлаш;

➤ Жамиятда корпоратив кодекс тавсияларини жорий этиш мониторингини амалга ошириш учун жамият корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказди, бу ишни амалга ошириш учун мустақил ташкилотни жалб қилишни ташкил этади;

- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;
- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
- Кузатув кенгаши қошида тегишли масалалар бўйича Комитет (ишчи гуруҳ) лар ташкил этиш;
- жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- амалдаги қонунчиликка мувофиқ кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш.

13.5. Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамият ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

13.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган барча масалалар бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

13.7. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

13.8. Жамиятнинг ижроия органининг аъзолари, шунингдек унда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар мазкур Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари бўлиши мумкин эмас.

Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамият кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланиши мумкин. Бунда давлат ва (ёки) хўжалик бирлашмасининг улуши устун бўлган жамиятларда номзод кўрсатиш ҳамда кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўйича овоз бериш давлат ва (ёки) хўжалик бирлашмасининг вакиллари томонидан амалга оширилади.

Қуйидаги шахс кузатув кенгашининг мустақил аъзоси деб эътироф этилади:

сўнгги уч йил мобайнида жамиятда ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларида ишламаган шахс;

жамиятнинг акциядори ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлмаган шахс;

жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлмаган шахс. Бунда қайси мижоз ва етказиб берувчи билан энг кам иш ҳақининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўшалар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

жамият ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлмаган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳоллар мустасно;

жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларининг аъзоси бўлган шахсининг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахсининг эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка олувчиси), фарзанди (фарзандликка олинган боласи), туғишган ва ўғай акаси (укаси) ҳамда опаси (синглиси) бўлмаган шахс;

давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлмаган шахс.

Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар жамият уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган қарорда белгилаб қўйилиши мумкин.

Жамият кузатув кенгашининг сон таркиби жамият устави билан белгиланади.

Акциядорларининг сони беш юздан ортиқ бўлган жамият учун жамият кузатув

кенгашининг сон таркиби етти аъзодан кам бўлиши, акциядорлари сони бир мингдан ортиқ бўлган жамият учун эса тўққиз аъзодан кам бўлиши мумкин эмас.

Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

Давлат вакили лавозимига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлади, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланмайди (қайта сайланмайди).

13.9. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга қўйиладиган талаблар Акциядорларнинг умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади.

13.10. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

13.11. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

13.12. Жамиятнинг кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

13.13. Жамиятнинг кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

13.14. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорлар умумий йиғилишида раислик қилади.

13.15. Жамиятнинг кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

13.16. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббуси билан, кузатув кенгашининг аъзоси, тафтиш комиссиясининг, жамият ижроия органининг, уставда Жамиятнинг 1 фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгаларининг талабига биноан чақирилиши мумкин.

13.17. Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоиздан кам бўлмаслиги керак.

Кузатув кенгаши аъзоларининг сони уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоиздан кам бўлиб қолса, Жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

13.18. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Қуйидаги масалалар бўйича қарор Жамият Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади:

Жамият устав фондиди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш;
Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш;

Жамият томонидан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш;
Жамият томонидан йирик битимлар тузиш;
Жамият томонидан аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш;
Жамият уставига тегишли ўзгартиришларни киритиш.
Жамият кузатуви кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатуви кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

13.19. Жамият кузатуви кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатуви кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

13.20. Мазкур уставда кузатуви кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлинган ҳолларда кузатуви кенгашининг қарорини қабул қилишда Жамият кузатуви кенгаши раисининг ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи назарда тутилади.

13.21. Жамият кузатуви кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатуви кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлисининг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

13.22. Жамият кузатуви кенгаши мажлисининг баённомаси жамият Кузатуви кенгашининг аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

13.23. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган жамият кузатуви кенгаши аъзолари, бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди бундан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонуннинг 90-моддасида белгиланган ҳоллар мустасно.

13.24. Кузатуви кенгаши аъзоси вазифасини бажаришдан муддатидан олдин озод этиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади: акциядор ўзгарганда, Кенгаш аъзоси томонидан унга юкланган мажбуриятлар лозим даражада бажарилмаганда, Кузатуви кенгашининг тегишли аризаси ёки бошқа ҳужжатий асослар мавжуд бўлган ҳолларда.

Суд жамиятнинг кузатуви кенгаши аъзосини, директорини ёки бошқаруви аъзосини жамиятга мулкӣ зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, ушбу аъзонинг, директорнинг ёки бошқарув аъзосининг ваколатлари суднинг қарорига кўра, уларнинг хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаши тақиқланган ҳолда, бир йилдан кам бўлмаган муддатга тугатилиши мумкин.

Жамиятнинг кузатуви кенгаши аъзоси, директори ёки бошқаруви аъзоси, шунингдек ишончли бошқарувчи жамиятга чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзлари ёки ўз аффилиланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) йирик битим тузиш ва (ёки) аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни тақлиф этганлиги натижасида етказилган зарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

13.25. Энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва жамиятнинг кузатуви кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун кузатуви кенгаши аъзолари орасидан қўмиталар ташкил этилиши мумкин.

Агар акциялар фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилса, жамият фақат кузатуви кенгашининг аъзоларидан таркиб топган аудит қўмитасини ташкил этиши шарт. Жамиятнинг ички аудит хизмати, агар бундай хизмат мавжуд бўлса, ўз фаолиятида аудит қўмитасига ҳисобдордир.

Қўмиталарни шакллантириш ва уларнинг ишлаш тартиби, сони ва таркиби жамиятнинг кузатуви кенгаши тўғрисидаги низомда белгиланади.

14-БЎЛИМ ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

14.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик Бошқарув томонидан амалга оширилади. Жамият Бошқаруви Раиси ва директорлари Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан конкурс асосида бир йил муддатга, ҳар йили ёллаш шартномасини бекор қилиш ёки уни узайтириш тўғрисида қарор қабул қилган ҳолда, тайинланади. Жамият Бошқаруви аъзолари Кузатув кенгаши томонидан бир йил муддатга, ҳар йили ёллаш шартномасини бекор қилиш ёки уни узайтириш тўғрисида қарор қабул қилган ҳолда, тайинланади. Акциядорлик жамияти бошқарув раиси ва директорларини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган конкурс асосида қабул қилинади. Бошқарув 5 нафар аъзодан иборат. Бошқарув Раиси ва директорлар Акциядорлар умумий йиғилишида лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланади.

14.2. Жамият ижроия органининг ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йиғилишининг ёки жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

14.3. Жамият Бошқаруви Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил қилади. Бошқарув аъзолари Жамият Акциядорларининг умумий йиғилишларида шахсан иштирок этишлари шарт.

14.4. Жамият Бошқарувининг Раиси:

➤ Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, бошқа ташкилотлар ва органлар билан ўзаро муносабатларида унинг манфаатларини ифода этади;

➤ Жамият манфаатларини ифода этиш учун ишончномаларни беради;

➤ Қонунчиликда белгиланган тартибда банкларда ҳисоб ва бошқа ҳисобварақларни очади;

➤ Ваколат доирасида, қонунчилик ва Жамиятнинг ички ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамият мол-мулкни ва пул маблағларини тасарруф қилади;

➤ Жамият номидан битимлар тузади;

➤ Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди;

➤ Жамият номидан шартномалар ва контрактларни, жумладан меҳнат шартномаларини тузади;

➤ Жамият штатларини тасдиқлайди, уларни малакали кадрлар билан тўлиқлигини таъминлайди,;

➤ Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

➤ давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

➤ ходимлар билан меҳнат шартномалари(контрактлар) тузади ва уларни тугатиш (бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилади;

➤ директорлар ва Бошқарув аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Жамият фаолиятига оид масалаларни ҳал қилишда уларнинг ваколатларини белгилайди;

➤ Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди;

➤ Жамиятнинг барча мансабдор шахслари ва ходимлари бажариши шарт бўлган буйруқлар, фармойишлар, кўрсатмаларни чиқаради, шунингдек ўзининг ваколати доирасига кирувчи масалаларга оид йўриқномалар ва бошқа ички ҳужжатларни тасдиқлайди;

➤ Жамият бошқармалари ва таркибий бўлинмалари низомларини тасдиқлайди;

➤ Жамият ходимларига нисбатан амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган интизомий жазо чораларини қўллайди;

➤ ходимларни мукофотлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлайди, лавозим иш ҳақлари, уларга устамаларни, турли кўшимча тўловларни белгилайди, Жамият ходимларини рағбатлантиради, шунингдек, Жамият ходимларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида компенсация тўловларини ўрнатади;

➤ жамиятнинг ҳомийлик ва бошқа беғараз ёрдамлар учун йиллик харажатлари миқдори ўтган йил давомида олинган соф фойданинг 10 фоизидан ошмаган ҳолда ҳамда жамиятнинг олдинги ҳисобот йили учун бизнес-режанинг соф фойда кўрсаткичи бажарилган тақдирда ҳомийлик ҳақида ижроия органи ва ҳомийлик олувчи ўртасида расмийлаштирилган шартномага асосан ҳомийлик амалга оширади;

➤ Жамиятнинг барча ходимлари томонидан ижро этилиши мажбурий бўлган буйруқларни чиқаради ва кўрсатмалар беради.

➤ Қонун ҳужжатлари, ушбу Устав ва «Ижроия органи (Бошқарув) тўғрисида»ги низомга мувофиқ Бошқарув раиси ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳал этади.

14.5. Бошқарув аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари амалдаги қонунчилик билан ва улардан ҳар бири томонидан Жамият билан тузиладиган шартнома билан белгиланади. Жамият номидан шартномани Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгаши томонидан ваколатланган шахс имзолайди.

14.6. Жамиятнинг Бошқарув раиси вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат Жамият Кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

14.7. Жамият Бошқаруви Раисининг ваколатлари муддатидан илгари, Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан янги Раис тайинланиши пайтигача бекор қилинганда, Жамият Бошқаруви Раисининг вазифаларини Кузатув кенгашининг қарори билан тайинланган шахс амалга оширади.

14.8. Бошқарув Жамиятнинг устави асосида ўз фаолиятини амалга оширади.

14.9. Жамият Бошқарувининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- Жамиятнинг жорий фаолиятининг дастурларини ишлаб чиқиш;
- Махфий ахборот рўйхатини ва уни олиш тартибини аниқлаш;
- Кузатув кенгашига ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги балансни ва йиллик ҳисоботни тақдим этиш;
- Кузатув кенгашига Жамиятнинг фойдасини тақсимлаш ва зарарларини қоплаш бўйича таклифларни тақдим этиш;
- Жамиятнинг ички ҳужжатларини ва ижроия аппаратининг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш учун таклифлар киритиш;
- Юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан даъволарни қўйиш тўғрисида қарорларни қабул қилиш;
- Жамиятнинг мол-мулкни ва пул маблағларини, амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав билан белгиланган ваколатлари доирасида тасарруф қилиш;
- мазкур устав ва амалдаги қонунчилик билан ижроия органининг ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

14.10. Бошқарувнинг мажлисида баённома юритилади. Бошқарув мажлисининг баённомаси Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларига уларнинг талабига кўра берилади.

14.11. Жамият Бошқарувининг мажлисларини ўтказишни Бошқарув Раиси ёки Бошқарув Раиси вазифасини бажарувчи шахс ташкил қилади, у Жамият номидан барча ҳужжатларни ҳамда Бошқарув мажлиси баённомаларини имзолайди, Жамият бошқаруви ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларга мувофиқ ишончномасиз Жамият номидан иш юритади.

14.12. Жамият Кузатув Кенгашининг ва Бошқарув аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

14.13. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари, Жамият Бошқарувининг аъзолари Жамиятнинг олдида қонунчиликка ва мазкур Жамият уставига мувофиқ жавобгар бўлади.

14.14. Жамиятга зарар келтиришга сабабчи бўлган қарорга овоз беришда қатнашмаган ёки бундай қарорга қарши овоз берган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари, Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

14.15. Агар амалдаги қонунчиликка мувофиқ бир неча шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдидаги жавобгарлиги солидар ҳисобланади.

14.16. Жамият ёки Жамият жойлаштирган оддий акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарнинг ўрнини қоплашни даъво қилиб Кузатув кенгаши ёки Бошқарув аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

14.17. Бошқарув органи аъзолари жамиятнинг акциядори ҳам бўлган ҳолларда, бошқарув органининг бошқа аъзоларини сайлашда овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

14.18. Бошқарув раиси қуйдагиларга ҳақли:

Ўз ваколатига тегишли масалалар бўйича мустақил равишда қарорлар қабул қилади;

Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, бошқа ташкилотлар ва органлар билан ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалайди;

Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;

Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларида лавозимга эга бўлиши мумкин;

Ҳақ олиш;

Бошқарув раиси бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14.19. Бошқарув раисининг мажбуриятлари:

Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиш;

Ўз мажбуриятларини у билан тузилган меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ тегишли тарзда бажариш;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш;

Жамиятнинг йиллик бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш;

Жамият Кузатув кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши олдида ҳисобот бериш;

Акциядорларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ахборотларни олиш, Акциядорларнинг умумий йиғилишларида иштирок этиш, дивидендлар ҳисоблаш ва тўлаш бўйича барча ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш ва назорат қилиш;

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотни тегишли тарзда ошкор этилишини назорат қилиш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этилишини таъминлайди;

Бошқарув йиғилишларини ўтказишни ташкил этиш;

Жамият таркибий тузилмаларининг самарали ҳамкорлик юритишини таъминлаш;

Жамият шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилиги, тегишли органларга йиллик ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар ўз вақтида тақдим этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

Давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг сақланишини таъминлаш;

Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмаслик;

Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш;

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ масалаларнинг ҳал этилишини таъминлаш;

Жамият фаолиятида қонун ҳужжатлари, ушбу Устав, «Ижроия органи (Бошқарув) тўғрисида»ги Низом ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

14.20. Бошқарув раиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишилича қонун ҳужжатларида, Жамият Уставида ҳамда уларнинг ҳар бири Жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома Жамият номидан Жамият Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамият Бошқаруви раиси билан тузиладиган шартномада унинг Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

Жамиятнинг Бошқарув раисига ва директорларга, Бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланади.

15-БЎЛИМ

ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

а) Тафтиш комиссияси

15.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тафтиш комиссияси сайланади.

Жамият тафтиш комиссияси 3 кишидан иборат.

Жамият тафтиш комиссиясининг ваколати:

бир йиллик давр ичидаги фаолият яқунлари бўйча Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш;

бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйча Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра хулоса тузиш;

Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани тайёрлаш;

Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Жамият Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқиш.

15.2. Жамият тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида»ги низомда белгиланади.

б) Ички аудит хизмати

15.3. Жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган тақдирда Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

15.4. Жамиятнинг ички аудит хизмати қуйидагиларни текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамият Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди:

Жамиятнинг Бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият Уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини;

Жамиятнинг бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини;

Жамиятнинг хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини;

Жамият активларнинг сақланишини, устав капиталидаги 50 фоиз улуш Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операцияларни, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини.

15.5. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида, ушбу Устав ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Жамият ички аудит хизмати тўғрисида”ги низомда белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

в) Аудиторлик ташкилоти (ташқи аудитор)

15.6. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосаси тақдим этади.

15.7. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақида нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

г) Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси

15.8. Жамиятда Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи Жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилади.

15.9. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

16-БЎЛИМ

ФИЛИАЛЛАР, ВАКОЛАТХОНАЛАР, ШУЎБА ВА ТОБЕ ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИ ТУЗИШ ВА ФАОЛИЯТИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ

16.1. Жамият филиаллар ташкил этиши ҳамда ваколатхоналар очиши мумкин. Улар ўзларини ташкил этган Жамият томонидан мол-мулк билан таъминланади ва шу Жамият тасдиқлаган низомлар асосида иш кўради.

16.2. Жамият акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

16.3. Шўъба хўжалик жамиятига мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган Жамият бундай кўрсатмаларни бажариш учун шўъба хўжалик жамияти томонидан тузилган битимлар юзасидан шўъба хўжалик жамияти билан солидар жавобгар бўлади. Жамиятнинг шўъба хўжалик жамиятига мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқи фақат шўъба хўжалик жамияти билан тузилган шартномада ёки шўъба хўжалик жамиятининг уставида назарда тутилган тақдирда Жамият бундай ҳуқуққа эга деб ҳисобланади.

16.4. Шўъба хўжалик жамияти Жамиятнинг айби билан банкрот бўлган тақдирда Жамият шўъба хўжалик жамиятининг мажбуриятлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлади.

16.5. Жамият ва шўъба хўжалик жамиятининг ўзаро муносабатлари шартнома билан тартибга солинади.

16.6. Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонасини бошқариш Жамият томонидан тайинланадиган ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан ишларни олиб бориш учун ваколатланган раҳбари томонидан амалга оширилади.

16.7. Филиаллар ва ваколатхоналар тўғрисида маълумотларнинг тузилиши ва ўзгартирилиши мазкур уставда ақс этирилади ва белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

16.8. Жамиятнинг шўъба хўжалик жамиятга бажарилиши шарт бўлган кўрсатмаларни бериш ҳуқуқи шўъба хўжалик жамият билан тузилган шартномада ёки шуъба хўжалик жамиятнинг устаида кўзда тутилган тақдирдагина Жамият бундай ҳуқуққа эга деб ҳисобланади.

17-БЎЛИМ

ЖАМИЯТНИНГ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ

17.1. Жамият қонунчилик билан белгиланган тартибда бухгалтерлик ҳисобини юритиши ва молия ҳисоботни тақдим этиши шарт.

17.2. Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Жамият Бошқарувининг зиммасида бўлади.

17.3. Жамиятнинг Акциядорлар умумий йиғилишига тақдим этадиган йиллик ҳисоботида, бухгалтерлик балансида, фойда ва зарарлар ҳисобварағида бўлган маълумотларнинг ҳаққонийлиги Жамиятнинг Тафтиш комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

17.4. Кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни матбуотда эълон қилишдан олдин Жамият йиллик молия ҳисоботини ҳар йилги текшириш ва тасдиқлаш учун Жамият ёки акциядорлар билан мулкый манфаатлар негизида боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилотини жалб этиши шарт.

17.5. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 10 кун олдин кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

17.6. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш солиқ ва молиявий органлар, Жамиятнинг ички аудит хизмати, бошқа давлат органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида, шунингдек аудиторлик текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлов асосида амалга оширилади.

17.7. Жамият, Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан икки ҳафта олдин, молиявий ҳисоботнинг Халқаро Стандартлари асосида тузилган йиллик молиявий ҳисоботини, Халқаро Аудит Стандартлари асосида ўтказилган ташқи аудит текширувидан сўнг эълон қилиши шарт.

18-БЎЛИМ

НИЗОЛАРНИНГ ҲАЛ ЭТИЛИШИ

18.1. Жамиятнинг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши, шунингдек акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

19-БЎЛИМ

ЖАМИЯТНИНГ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

19.1. Жамиятни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

Жамиятни қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 49-52 моддаларига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик

жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 92-97 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

19.2. Янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан Жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади, бундан қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш мустасно.

19.3. Жамият бошқа юридик шахсга қўшиб юбориш йўли билан қайта ташкил этилганда рўйхатдан ўтказувчи орган қўшиб юборилган юридик шахснинг (Жамиятнинг) фаолияти тугатилганлиги ҳақидаги ёзувни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритган пайтдан эътиборан Жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади.

19.4. Қайта ташкил этиш натижасида янгидан вужудга келган жамиятларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда қайта ташкил этилган жамиятларнинг фаолияти тўхтатилгани тўғрисидаги ёзувни киритиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

20-БЎЛИМ

ЖАМИЯТНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ

20.1. Жамият қуйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:

- Акциядорларнинг умумий йиғилишининг қарорига биноан;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ суднинг қарорига кўра;
- амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган бошқа асосларга кўра.

Жамиятни тугатиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 53-56 моддаларига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 98-101 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

20.2. Жамиятнинг тугатилиши пайтида, суд қарори бўйича тугатиш ҳолатидан ташқари, Акциядорларнинг умумий йиғилиши тугатиш комиссиясини тузади, тугатиш тартибини ва муддатларини белгилайди, кредиторлар учун талаб қўйиш тартиби ва муддатларини белгилайди, ушбу муддат тугатилиши тўғрисида хабар эълон қилинган санадан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги лозим. Тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан эътиборан Жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар тугатиш комиссиясига ўтади.

20.3. Тугатиш комиссияси ёки Жамиятни тугатишни амалга оширувчи бошқа орган Жамиятнинг жойлашган манзили бўйича расмий матбуот органларида Жамиятнинг тугатилиши, унинг кредиторларининг талабларни баён этиш тартиби ва муддатлари тўғрисида хабар эълон қилади. Ушбу эълон қилиш билан биргаликда тугатиш комиссияси Жамиятнинг дебиторлик қарзларини ундириш бўйича ва кредиторларни Жамиятнинг тугатилиши тўғрисида хабардор қилиб, уларнинг эътирозларини аниқлаш бўйича ишларни амалга ошириши шарт. Тугатиш комиссияси тугатиш балансини тузади ва уни тугатиш комиссиясини тузган органга тақдим этади.

20.4. Кредиторлар томонидан талабларни қўйиш учун белгиланган муддат тугатилганидан кейин тугатувчи оралиқ тугатиш балансини тузади, мазкур баланс тугатилаётган жамият мол-мулкининг таркиби, кредиторлар қўйган талаблар, шунингдек уларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Оралиқ тугатиш баланси акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейин тугатиш комиссияси тугатиш балансини тузади. Бу баланс акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

20.5. Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейин тугатилаётган Жамиятнинг қолган мол-мулки тугатувчи томонидан акциядорлар ўртасида қуйидаги навбат бўйича тақсимланади:

- биринчи навбатда Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 40-моддасига мувофиқ қайтариб сотиб олиниши лозим бўлган акциялар бўйича тўловлар амалга оширилади;

➤ иккинчи имтиёзли акциялар бўйича ҳисобланган, бироқ тўланмаган дивидендларни ва Жамият уставида имтиёзли акциялар бўйича белгиланган тугатиш қийматини тўлаш амалга оширилади;

➤ учинчи навбатда тугатилаётган Жамиятнинг мол-мулкни ва пул маблағларини акциядорлар ўртасида тақсимлаш амалга оширилади. Мол-мулкни ҳар бир навбат тартиби бўйича тақсимлаш аввалги навбат тартиби бўйича мол-мулк тўлиқ тақсимлаб бўлинганидан кейин амалга оширилади.

20.6. Рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувни киритган пайтдан эътиборан Жамиятни тугатиш тамомланган, Жамият эса фаолиятини тугатган деб ҳисобланади.

20.7. Рўйхатдан ўтказувчи орган Жамият тугатилганлиги ҳақидаги тегишли ёзувни фақат Жамиятнинг қимматли қоғозлари чиқарилишлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинганидан кейингина киритади.

21-БЎЛИМ

БОШҚА ҚОИДАЛАР

21.1. Мазкур уставга киритиладиган ҳар қандай ўзгартиришлар ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклида амалга оширилган, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки белгиланган тартибда жамиятнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органи томонидан рўйхатга олинганидагина ҳақиқий бўлади.

21.2. Агар ушбу уставнинг қоидаларидан бири ҳақиқий бўлмай қолса, бу ҳолат қолган қоидаларнинг амал қилишини тўхтатиш учун сабаб бўла олмайди. Ҳақиқий бўлмаган қоида ҳуқуқий жиҳатдан йўл қўйилиши мумкин бўлган қоида билан алмаштирилади.

21.3. Мазкур уставда назарда тутилмаган ҳолатлар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.